

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 49-50-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (965-966)
ТЎПЛАМИ 2020 йил
21 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

546. «Ипотека кредити механизмлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6126-сон Фармони
547. «Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сон Фармони
548. «Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПҚ-4913-сон қарори

549. «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ-4919-сон қарори
550. «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрдаги ПҚ-4921-сон қарори
551. «Тошкент шаҳрида маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 декабрдаги ПҚ-4925-сон қарори
552. «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 декабрдаги ПҚ-4926-сон қарори
553. «Худудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 декабрдаги ПҚ-4929-сон қарори

Бешинчи бўлим

554. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 4 декабрдаги 26/5-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан репо битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 44, 67 ва 98-бандларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1829-3*)
555. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2020 йил 1 декабрдаги 14-мх-сон, 2020 йил 30 ноябрдаги 04-КҚ-сон «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2321-1*)
556. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2020 йил 4 декабрдаги 402-сон «Одамлар оммавий бўладиган объектлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари, шунингдек, унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбе-*

кистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 354-4)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

546 Ипотека кредити механизмлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш, хусусий пудрат ташкилотларини уй-жойлар қурилишига кенг жалб қилиш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги бир ой муддатда аҳолининг ипотека кредити механизмларидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш, шу жумладан, ипотека кредити бўйича дастлабки бадал миқдорини камайтириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқлаштирасин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 7 декабрь,
ПФ-6126-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 7 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги
ПФ–6126-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон
Республикаси Хукуматининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5886-сон Фармонида:

а) 4-банд бешинчи хатбошидаги «Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги» ва «икки ва уч хонали» сўзлари тегишинча «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» ва «икки ва ундан кўп хонали» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-бандда:

иккинчи хатбоши «2020 йилда» сўзларидан кейин «ҳарбийлар, шу жумладан» сўзлари билан тўлдирилсин;

учинчи хатбошидаги «Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Урбанизация агентлиги» ва «Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» сўзлари тегишинча «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» ва «Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1 ва 2-иловалар* қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4701-сон қарорида:

а) 3-бандда:

биринчи хатбоши «қурилган квартираларни» сўзларидан кейин «(мазкур қарорнинг 3¹-бандида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно)» сўзлари билан тўлдирилсин;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларда «2 хонали» сўзлари «1 ва 2 хонали» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қўйидаги мазмундаги 3¹-банд билан тўлдирилсин:

«3¹. Хусусий пудрат ташкилотлари томонидан хоналарга бўлинмаган ҳолда қурилган квартираларни сотиб олиш учун бериладиган ипотека кредитларининг чекланган миқдори қўйидаги миқдорларда белгилансин:

Тошкент шаҳрида — умумий майдони 60 метр квадратгача бўлган квартиралар учун — 264 млн сўм, умумий майдони 60 метр квадратдан ортиқ бўлган квартиралар учун — 352 млн сўм;

бошқа ҳудудларда — умумий майдони 60 метр квадратгача бўлган квартиралар учун — 240 млн сўм, умумий майдони 60 метр квадратдан ортиқ бўлган квартиралар учун — 320 млн сўм.

* Иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Мазкур бандда кўзда тутилган ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар тўланмайди»;

в) 4-банд «20 йилгача» сўзларидан кейин «(йигирманчи йилни ҳам қўшган ҳолда)» сўзлари билан тўлдирилсин;

г) 5-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари «20 йилгача» сўзларидан кейин «(йигирманчи йилни ҳам қўшган ҳолда)» сўзлари билан тўлдирилсин;

д) 6-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 2 — 4-бандларида назарда тутилган тартиб ва шартлар 2022 йил 1 январга қадар амал қилади ва янги тартибга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларига нисбатан татбиқ этилади;

мазкур қарорнинг 3-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган квартираларни сотиб олишга ажратилган ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадалнинг бир қисмини тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги томонидан белгиланган уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдоридан тўланади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги томонидан 2020 ва 2021 йил учун белгиланадиган уй-жойларнинг ҳисобланган қийматида бир хонали квартиралар ҳам инobatга олинади»;

е) қуйидаги мазмундаги 7¹-банд билан тўлдирилсин:

«7¹. Фарғона вилояти ҳокимлиги, Марказий банк ва Молия вазирлигининг Фарғона вилоятининг чўл-адир худудларида, истисно тариқасида, 2020-2021 йилларда яқка тартибдаги намунавий уйлар қурилиши таклифига розилик берилсин. Бунда:

яқка тартибдаги намунавий уй-жойлар қурилиши хусусий пудрат ташкилотларининг ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредит ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

хусусий пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш меъёрларига мос, тайёр ҳолда қуриб битказилган яқка тартибдаги намунавий уйларни аҳоли томонидан сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига ажратилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари берилади;

яқка тартибдаги намунавий уйлар қурилишининг рейтинг баҳоси Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан белгиланадиган даражадан кам бўлмаган қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Фарғона вилояти ҳокимлиги аҳоли аризалари ва уй-жой бозорини ўрганиш ҳамда аҳолининг ипотека кредитлари бўйича реал тўлов қобилятини

инобатга олган ҳолда якка тартибдаги намунавий уйларнинг қурилиш ишларини ташкил этсин»;

ж) 10-бандда:

учинчи хатбоши «қоплаш учун» сўзларидан кейин «кредитнинг бутун даври, бироқ кредит олинган кундан бошлаб 24 ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида» сўзлари билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «2-хонали» сўзлари «1 ва 2 хонали» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги «Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 182-сонли қарорида:

а) қўйидаги мазмундаги 3¹-банд билан тўлдирилсин:

«3¹. 2020 йилдаги субсидиялар тўлашнинг мақсадли мўлжаллари доирасида, истисно тариқасида, белгилансинки:

субсидия олиш учун ариза топшириш муддати 2020 йил 31 декабрга қадар ва субсидияларни тўлаш муддати 2021 йил 1 июлга қадар узайтирилади;

агар субсидия олиш учун мурожаат қилган ариза берувчининг даромадларига унинг хотини (эри), улар билан бир уйда биргаликда яшовчи ота-онаси ҳамда фарзандларининг (шу жумладан, асраб олинган фарзандлари) даромадлари қўшилгандан сўнг ўртача ойлик даромадлари миқдори ушбу қарор билан тасдиқланган низомнинг 2-бандида кўрсатилган меъёрлардан кам бўлса, бошқа жисмоний шахслар даромадлари ҳам киритилиши мумкин;

талабгор томонидан танланган уй-жойнинг қиймати хабарномада кўрсатилган сотиб олиниши мумкин бўлган уй-жойнинг юқори қийматидан ошган тақдирда, ушбу уй-жойни сотиб олишга ажратиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4701-сон қарорига мувофиқ белгиланади. Бунда сотиб олинган уй-жой қийматининг ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошган қисми қарз олувчининг ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар, шу жумладан, Тошкент шаҳри ва шаҳарларда бошланғич бадалнинг бир қисмини қоплаш учун давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия маблағлари ҳисобидан тўланади»;

б) иловада:

2-банднинг ўн саккизинчи хатбошидаги «икки ва уч хонали» сўзлари «икки, уч ва ундан кўп хонали» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банддаги «Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги» ва «икки ва уч хонали» сўзлари тегишинча «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» ҳамда «икки, уч ва ундан кўп хонали» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Шунингдек, субсидия фуқароларга рўйхатга олинган доимий яшаш жойи бўлган ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) доирасида ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар шаҳарларига ажратилган субсидиялар ушбу ҳудуддаги аҳоли томонидан белгиланган тақсимот доирасида туман ва/ёки шаҳардан олинishi мумкин, агарда қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса»;

14-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ариза берувчининг аризаси у рўйхатга олинган доимий яшаш жойидаги туман ёки шаҳар комиссияси томонидан кўриб чиқилади»;

15-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Масъул ташкилотлар ўн иш кунида ариза берувчининг ижтимоий мезонларга мувофиқлигини, тақдим этилган ҳужжатлар асосида, ташкилотларда мавжуд маълумотлар базаси билан солиштирган ҳолда ўрганиб чиқади ва ЯИДХПга онлайн электрон шаклда қуйидаги маълумотларни тасдиқлайди:»;

учинчи хатбошидаги «ариза берувчининг» сўзлари «ариза берувчи ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат солиқ инспекцияси — солиқ тўловчининг идентификация рақами, турар жойда ижара шартлари асосида яшаши ҳамда ариза берувчи ва ушбу низомнинг 16-бандида келтирилган шахсларнинг (аризада кўрсатилган ҳолатларда) даромадлари»;

47-банд «талабгор» сўзидан сўнг «исталган иштирок этувчи» сўзлари билан тўлдирилсин;

1-илова* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

2-илова қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«Изоҳ: Хабарномада субсидиянинг қуйидаги турлари кўрсатилади:

қишлоқ жойларда — ипотека кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидия;

шаҳарларда — ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидия»;

4-иловада:

3-босқичда:

«Тиббиёт бирлашмаси» блокадаги «ариза берувчининг» сўзлари «ариза берувчи ва унинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Давлат солиқ инспекцияси» блоки қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ инспекцияси — Солиқ тўловчининг идентификация рақами, турар жойда ижара шартлари асосида яшаши ҳамда ариза берувчи ва ушбу низомнинг 16-бандида келтирилган шахсларнинг (аризада кўрсатилган ҳолатларда) даромадлари тўғрисидаги тегишли маълумотларни тегишли туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказига тақдим этади»;

5-босқичдаги «тижорат банкига» сўзлари «исталган иштирок этувчи тижорат банкига» сўзлари билан алмаштирилсин.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**547 Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, малакали кадрларни танлаш, судьялик касбига тайёрлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, суд тизимида етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган муносиб кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлаш ҳамда судьялар фаолиятини холис баҳолаш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмаганлиги бу борадаги ишлар шаффофлигининг етарлича таъминланмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, суд ҳокимияти тизимида коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш тизимини самарали йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Суд тизимини малакали ва ҳалол пок кадрлар билан тўлдириш, суд органларининг фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Судьялар мустақиллигини таъминлаш ва суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича касбий фаолиятини ҳар қандай кўринишдаги ташқи таъсирлардан самарали муҳофаза қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни яратиш;

судьяликка кадрларни танлаш, тайёрлаш, лавозимга тайинлаш, шунингдек, судьялар фаолиятини баҳолашда холислик ва шаффофликни таъминлаш, ушбу жараёнларга замонавий ахборот технологияларини изчил жорий қилиш;

судьялар ва суд аппарати ходимлари орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва барвақт аниқлашга қаратилган тизимни йўлга қўйиш ҳамда суд тизимида аниқланган ҳар қандай коррупциявий ҳаракатни муросасиз ҳолат деб баҳолаш;

судьяларнинг касбий малакаси, маънавияти ва масъулиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали юксак профессионал судьялар корпусини шакллантириш.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 7 декабрда эълон қилинган.

2. Судьялар олий кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) ва Олий суднинг қўйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

а) 2021 йил 1 февралдан бошлаб суд тизимида коррупция ҳолатларининг олдини олиш, Кенгаш ва суд тизими фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасида:

илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини Интернет тармоғи (веб-сайт) орқали онлайн тарзда ёритиб боришни йўлга қўйиш;

судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастурни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

судья фаолиятининг самарадорлигини электрон рейтинг орқали очиқ ва шаффоф баҳолашни таъминлайдиган аниқ мезонларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умум-юрисдикция судлари ташкил этилиши муносабати билан 2021 йил 1 январдан ушбу судларнинг малака ҳайъатларини шакллантириш.

3. Судьяларнинг юридик жавобгарлиги масаласини ҳал этиш пайтида уларнинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига ҳар қандай аралашувнинг олдини олиш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йилдан бошлаб:

судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан Кенгаш раиси томонидан киритилган тақдимнома прокуратура органлари томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиб, жиноят иши қўзғатилганлиги ёки қўзғатиш рад этилганлиги ҳақида Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан хабар берилади;

судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиришга тегишли малака ҳайъатлари розилиги билан йўл қўйилади;

суд ҳокимияти мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ва тизимда коррупцияга қарши курашиш ҳолати юзасидан Кенгаш раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига йил якуни бўйича ахборот тақдим этиб борилади.

4. Кенгашнинг судларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни тизимли равишда бартараф қилиш ва унга қарши курашиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинладиган ва лавозимидан озод этиладиган, фаолиятини доимий асосда амалга оширадиган Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимини жорий қилиш;

Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси негизида Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясини тузиш;

Судьялар касбий тайёргарлигини ташкиллаштириш шуъбасини тугатиш;

Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш шуъбаси негизида матбуот хизмати ва биринчи бўлим, шунингдек, ижро аппарати негизида ахборот-таҳлил, мурожаатлар билан ишлаш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш тузилмалари ҳамда архив ва девонхона ташкил этиш;

Кенгашга келиб тушаётган шикоятларни умумлашма таҳлил қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида судьялар малака ҳайъатлари билан биргаликда аниқ чоралар белгилаш вазифасини юклаш;

судьяларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятини рағбатлантиришни йўлга қўйиш, «Ибратли судья» мукофотини, одил судловни амалга оширишда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб пенсияга чиққан судьялар учун «Суд фахрийси» кўкрак нишонини жорий этиш;

Кенгаш ҳузурида амалдаги моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича тавсиявий характерга эга бўлган маслаҳатлар ҳамда судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўлланилиши юзасидан сўровларига тушунтиришлар бериш ваколатига эга бўлган жамоатчилик асосида фаолият юритувчи Судьялар клубини (кейинги ўринларда — Клуб) ташкил этиш.

Белгилансинки, Клуб ўз фаолиятини Кенгаш томонидан тасдиқланган Низом асосида амалга оширади ва унинг доимий масъул аъзолари таркиби кўп йиллик иш тажрибасига, чуқур билим ва юксак обрў-эътиборга эга бўлган амалдаги ва фахрий судьялар орасидан шакллантирилади.

5. Кенгаш (Х.Б. Ёдгоров) бир ой муддатда:

Судьялар ассоциацияси (У.К. Мингбоев) ва Олий суд (К.Ф. Камилов) билан биргаликда Клуб ташкил этилиши ва фаолиятини бошлаши бўйича чоралар кўрсин;

«Ибратли судья» мукофоти ҳамда «Суд фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

6. Кенгаш раисининг доимий асосда фаолият юритувчи ўринбосари лавозими жорий этилиши муносабати билан Судьялар олий мактабининг Илмий ва ахборот-таҳлилий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозими тугатилсин.

7. Кенгаш ҳузурида судьялар ҳамжамияти органи бўлган ва ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадиган судьяликка номзодларнинг Судьялар олий мактабига кириш ва яқунлаш имтиҳонлари натижаларидан норози бўлиб берган мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича имтиҳон комиссияси тузилсин ҳамда унинг қарорлари устидан Кенгашга шикоят қилиш тартиби белгилансин.

8. Қўйидагилар:

Суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтириш, судьялар дахлсизлигини таъминлаш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олиш бўйича чоратадбирлар режаси 1-иловага* мувофиқ;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Судьялар олий кенгашининг янги тузилмаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Кенгашда ташкил этилаётган янги тузилмалар ва лавозимларнинг шакллантирилиши Кенгаш тузилмасини мақбуллаштириш натижасида бўшаётган 4 та штат бирликлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Кенгаш (Х.Б. Ёдгоров) Олий суд (К.Ф. Камилов) ва Судьялар ассоциацияси (У.Қ. Мингбоев) билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда суд органлари тизимида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш масалаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, судьялар ва суд аппарати ходимларида коррупцияга нисбатан муросасизлик иммунитетини шакллантириш борасида комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

10. Кенгаш манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Р. Иноятов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 7 декабрь,
ПФ-6127-сон

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**548 Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Мамлакатда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда тадбиркорларга янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, давлат томонидан алоҳида соҳаларни ортикча тартибга солиш ҳолатлари ханузгача мавжудлиги хусусий секторнинг давлат функцияларини амалга оширишдаги иштироки даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, давлат функцияларини хусусий секторга бериш имкониятини ўрганишга ҳамда мазкур йўналишда тегишли шарт-шароитларни яратишга кўмаклашувчи тизимнинг мавжуд эмаслиги давлат органлари томонидан ушбу масалаларга эътибор қаратилмаётганлигига олиб келмоқда.

Бозор шароитида рақобатни янада ривожлантириш, тадбиркорликнинг янги йўналишларини ривожлантиришга қўшимча имкониятлар яратиш, фуқароларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг қуйидагиларни назарда тутувчи «Давлат функциялари — бизнес учун имконият» лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

1-иловага** мувофиқ давлат бошқаруви соҳасига хусусий секторни жалб қилишнинг дастлабки йўналишлари;

давлат функцияларини аутсорсинг, краудсорсинг, давлат ижтимоий буюртмаси, аккредитация, сертификатлаштириш ва бошқа усуллар орқали босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш ҳамда давлат бошқаруви соҳасида амалда мавжуд имкониятларни кенгайтириш;

тегишли ҳудудларда давлат функциялари ўтказилаётган соҳаларда етарли миқдорда хусусий сектор субъектлари ташкил этилгунига қадар мазкур функцияларнинг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилиши;

хусусий секторга ўтказилиши таклиф этилаётган давлат функциялари, шунингдек, хусусий секторнинг тегишли таклифларини эълон қилиш ва

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 7 декабрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

муҳокамадан ўтказиш учун электрон майдонча фаолиятининг ишга туширилиши;

вазирлик ва идоралар кесимида хусусий секторга ўтказилиши мумкин бўлган давлат функцияларини таҳлил этиш механизмларини йўлга қўйишга қаратилган давлат функцияларининг ягона реестри шакллантирилиши.

2. Кадастр ишларини бажариш соҳасида:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4270-сон қарори билан 2020 йил 1 январдан бошлаб тажриба-синов тариқасида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси институту жорий этилганлиги инobatга олинсин;

б) белгилаб қўйилсинки, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида ўтказилаётган мазкур тажриба-синов 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади ҳамда унинг доирасида:

2021 йил 1 апрелдан бошлаб Кадастр агентлиги томонидан бериладиган малака шаҳодатномасига эга кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисларига, шу жумладан, кўчмас мулк объектларига бирламчи кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳуқуқи берилади;

кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини, шу жумладан, бирламчи кадастр йиғмажилдини тайёрлаш жараёнлари махсус автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади ҳамда Кадастр агентлиги томонидан мониторинги олиб борилади;

кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси ўз фаолиятини юридик шахслар билан меҳнат шартномасини тузиш орқали ёки яқка тартибдаги тадбиркор сифатида амалга оширади;

кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини, шу жумладан, бирламчи кадастр йиғмажилдини тайёрлаш бўйича хизматлар учун нархлар тадбиркорлик субъекти томонидан мустақил равишда Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган минимал ставкалардан кам бўлмаган миқдорда белгиланади ҳамда келиб тушадиган маблағлар тўлиқ ҳажмда унинг тасарруфида қолади.

3. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида 2021 йил 1 мартдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини қайд этувчи махсус автоматлаштирилган фото ва видео дастурий-техник воситалари ўрнатилишини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин. Бунда:

Ички ишлар вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатилиши мумкин бўлган жойларнинг дислокациясини, мазкур ҳудуддаги транспорт оқими ва охириги икки йилда аниқланган йўл ҳаракати қоидалари турлари бўйича қоидабузарликлар тўғрисидаги маълумотларни «E-IJRO AUKSION» тизимидаги алоҳида веб-саҳифада эълон қилиб боради;

махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатиладиган жойларни тадбиркорлик субъектларига бириктириш электрон аукцион савдолари орқали амалга оширилади;

электрон аукцион савдоларига қўйиш учун махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатиладиган жойларнинг минимал қиймати (бошланғич нархи) Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартиб асосида аниқланади;

электрон аукцион савдоларида ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектларига махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатиладиган жойлар чекланмаган муддатга ва бошқа тадбиркорлик субъектига ўтказиш ҳуқуқи билан бириктирилади;

электрон аукцион савдоларида ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектлари махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланадиган аниқ мезонлар ва техник топшириқларга мувофиқ харид қилади ҳамда Ички ишлар вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан белгиланадиган талаблар ва бошқа зарур шартларга мувофиқ бириктирилган жойларда ўрнатади;

ўрнатилган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг «Маъмурий амалиёт» комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимига интеграция қилиш Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади;

ўрнатилган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларининг техник эксплуатацияси ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, шу жумладан, жорий электр энергияси харажатларини қоплаш тадбиркорлик субъектлари зиммасига юклатилади;

тадбиркорлик субъектларига тегишли махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималардан ажратмалар миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тақсимланади.

2021-2022 йилларда республика бўйича махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш соҳасида 2021 йил 1 апрелдан бошлаб автототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолияти учун лицензияга эга тадбиркорлик субъектларига барча тоифадаги автототранспорт воситаларини (троллейбус ва трамвайдан ташқари) бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш ҳуқуқи берилсин. Бунда:

ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларида, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари учун замонавий автодромларни ташкил этиш ва уларни автоматлаштирилган махсус транспорт воситалари билан жиҳозлаш бўйича қўшимча мажбуриятлар назарда тутилади;

ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонлар-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни ўтказиш ва баҳолаш инсон омилсиз, тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда амалга оширилади;

ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонлар Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати вакилининг бевосита ёки онлайн назорати остида ўтказилади;

ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун имтиҳонларни ўтказиш бўйича хизматлар учун тўловлар миқдори тадбиркорлик субъекти томонидан мустақил равишда белгиланади ҳамда келиб тушадиган маблағлар тўлиқ ҳажмда унинг тасарруфида қолади;

назарий ва амалий имтиҳонларни муваффақиятли топширган шахсларга ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун асос бўладиган махсус ҳимояланган сертификатлар берилади;

махсус ҳимояланган сертификатларнинг барча зарур реквизитлари тадбиркорлик субъекти томонидан давлат хизматлари марказлари ва ички ишлар органларига автоматлаштирилган ҳолда тақдим этилади.

5. Транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш соҳасида 2021 йил 1 мартдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига автомобиль йўлларида автоматлаштирилган ўлчов воситалари билан жиҳозланган оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар шохобчалар ўрнатилишини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин. Бунда:

Автомобиль йўллари қўмитаси оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар шохобчалар ўрнатилиши мумкин бўлган жойларнинг дислокациясини ва мазкур ҳудуддаги транспорт оқими тўғрисидаги маълумотларни «E-IJRO AUKSION» тизимидаги алоҳида веб-саҳифада эълон қилиб боради;

оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар шохобчалар ўрнатиладиган жойларни тадбиркорлик субъектларига бириктириш электрон аукцион савдолари орқали амалга оширилади;

электрон аукцион савдоларига қўйиш учун оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар шохобчалар ўрнатиладиган жойларнинг минимал қиймати (бошланғич нархи) Автомобиль йўллари қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартиб асосида аниқланади;

электрон аукцион савдоларида қолиб бўлган тадбиркорлик субъектларига оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар шохобчалар ўрнатиладиган жойлар чекланмаган муддатга ва бошқа тадбиркорлик субъектига ўтказиш ҳуқуқи билан бириктирилади;

электрон аукцион савдоларида қолиб бўлган тадбиркорлик субъектлари оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар шохобчаларни Автомобиль йўллари қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланадиган аниқ мезонлар, техник топшириқлар, ўрнатишга қўйиладиган талаблар ва бошқа зарур шартларга мувофиқ харид қилади ва бириктирилган жойларда ўрнатади;

ўрнатилган оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар шохобчаларни Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг «Маъмурий амалиёт»

комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимига интеграция қилиш Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади;

ўрнатилган оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар шохобчаларнинг техник эксплуатацияси ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, шу жумладан, жорий электр энергияси харажатларини қоплаш тадбиркорлик субъектлари зиммасига юклатилади;

тадбиркорлик субъектларига тегишли оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар шохобчалар орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималардан ажратмалар миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тақсимланади.

2021-2022 йилларда республика бўйича тадбиркорлик субъектлари томонидан оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар шохобчаларни ўрнатиш дастури 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида 2021 йил 1 мартдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, давлат хизматлари марказлари томонидан айрим турдаги давлат хизматлари кўрсатилишида агент сифатида иштирок этишга рухсат берилсин. Бунда:

агент сифатида хизматларни кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг ходимлари аккредитациядан ўтган ўқув марказлари томонидан бериладиган ва кўрсатилиши мумкин бўлган хизматлар турлари аниқ белгиланган сертификатга эга бўлиши шарт;

сертификатлар 3 йил муддатга берилади ва уларни бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан агент сифатида хизматларни кўрсатиш Давлат хизматлари агентлигининг ягона платформаси доирасида амалга оширилади;

агент сифатида хизматларни кўрсатиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлган тадбиркорлик субъектларини тегишли давлат хизматини кўрсатиш тизимига улаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва жараённи мониторинг қилиш мазкур хизматларни кўрсатувчи давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалга оширилади;

Давлат хизматлари агентлиги агент сифатида хизматларни кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг ягона электрон реестрини шакллантиради ва юритади;

фуқаролар учун ягона электрон реестр орқали ўзига қулай агентларни танлаб олиш имконияти яратилади;

агент хизматлари учун фуқаролар томонидан алоҳида тўлов амалга оширилади, бунда нархлар тадбиркорлик субъекти томонидан мустақил равишда белгиланади ҳамда келиб тушадиган маблағлар тўлиқ ҳажмда унинг тасарруфида қолади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан агент сифатида хизматлар кўрсатилиши тақиқланган давлат хизматлари рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Белгилансинки, 2021 йил 1 июндан бошлаб давлат органлари ва ташкилотларининг ички маъмурий-хўжалик фаолиятини таъминлаш ва сақлаш бўйича функцияларини бажариш хусусий секторга ўтказилади. Бунда:

мазкур талаб давлат органлари ва ташкилотларининг тегишли функцияларни хусусий секторга ўтказиш бўйича олиб борилган таҳлиллари, самарадорлигини ўрганиш натижалари ва аниқ ҳисоб-китоблари асосида Молия вазирлигининг салбий хулосаси мавжуд бўлган ҳолатларда татбиқ қилинмайди;

давлат органлари ва ташкилотларининг ички маъмурий-хўжалик фаолиятини таъминлаш ва сақлаш бўйича функцияларни ўзи муассис бўлган давлат корхоналарига юклаш тақиқланади.

Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 апрелга қадар давлат органлари ва ташкилотларининг хусусий секторга ўтказиладиган ички маъмурий-хўжалик фаолиятини таъминлаш ва сақлаш бўйича функцияларининг ҳамда ушбу тартиб жорий этиладиган вазирлик ва идораларнинг рўйхатини, шунингдек, улар бўйича иқтисодий таҳлил ўтказиш методикасини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. «Давлат функциялари — бизнес учун имконият» лойиҳаси доирасида давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича «Йўл харитаси» 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг қўйидаги босқичлардан иборат бўлган давлат функцияларини хусусий секторга ўтказишнинг комплекс механизмини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хусусий секторга ўтказиш учун давлат функцияларини ҳар йили танлаб олиш. Бунда:

вазирлик ва идораларнинг давлат бошқарувидаги самарасиз ҳамда эксклюзив функция ва ваколатлари тўлиқ хатловдан ўтказилади;

хусусий секторга ўтказиш имконияти мавжудлиги ва иқтисодий самарадорлиги нуқтаи назаридан давлат функциялари объектив таҳлил қилинади;

хусусий секторга мослаштирган ҳолда давлат функцияларининг мазмун-моҳияти аниқлаштирилади;

хусусий секторга ўтказишга таклиф этилаётган давлат функцияларининг яқуний рўйхати тегишли вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида шакллантирилади;

б) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан хусусий сектор бозори давлат функцияларини амалга ошириш учун тайёрлигини таҳлил қилиш. Бунда:

хусусий секторга ўтказиш таклиф этилаётган давлат функциялари рўйхати эълон қилинади ва кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилади;

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

давлат функцияларини амалга ошириш учун хусусий сектор фаоллигини рағбатлантириш чоралари ишлаб чиқилади;

давлат функцияларини амалга ошириш учун хусусий секторнинг таклиф ва мулоҳазалари умумлаштирилади ва таҳлил қилинади;

ўтказилаётган давлат функцияларига ўхшаш бўлган фаолият тажрибасига эга хусусий сектор субъектларининг дастлабки рўйхати шакллантирилади;

хусусий секторда зарур ресурслар ва инфратузилма, шунингдек, малакали кадрлар мавжудлиги нуқтани назаридан таҳлил ўтказилади;

реал харажатлар ва товар (иш, хизмат) қийматини ҳисобга олган ҳолда хусусий сектор ва истеъмолчилар учун давлат функцияларини амалга ошириш қиймати белгиланади;

в) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги томонидан давлат функцияларини хусусий секторга ўтказишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш;

г) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан хусусий секторга ўтказилган давлат функциялари амалга оширилишини мониторинг қилиш. Бунда:

давлат функциялари амалга оширилганлиги натижалари бўйича хусусий секторнинг маълумоти умумлаштирилади ва таҳлил қилинади, шунингдек, умумлаштирилган маълумотлар асосида улар амалга оширилганлигининг самарадорлиги ва сифати баҳоланади;

хусусий сектор томонидан давлат функциялари самарасиз ёки сифатсиз амалга оширилганлиги ҳолати аниқланган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш ҳамда ўтказилган давлат функцияларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича асослантилган таклифлар ишлаб чиқилади;

д) Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан давлат функциялари ўтказилиши муносабати билан тегишли давлат органининг штат бирликларини мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Бунда:

давлат функциялари хусусий секторга ўтказилгандан сўнг давлат органи бўлинмаларининг функционал юкламаси таҳлил қилинади;

давлат функциялари ўтказилиши муносабати билан давлат органлари тегишли бўлинмаларининг бўшаган штат бирликларини мақбуллаштириш бўйича таклифлар Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

10. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги марказий аппарати тузилмасида 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг штат бирликларининг мақбуллаштирилган қисми ҳисобидан 8 та штат бирлигидан иборат Хусусий секторни таҳлил қилиш ва ривожлантириш бошқармаси ташкил этилсин ҳамда унинг вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

«Давлат функциялари — бизнес учун имконият» лойиҳаси ва давлат функцияларини хусусий секторга ўтказишнинг комплекс механизми амал-

га оширилиши юзасидан мониторинг олиб бориш ва вужудга келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

хусусий секторга ўтказилиши таклиф этилаётган давлат функциялари, шунингдек, хусусий секторнинг тегишли таклифларини эълон қилиш ва муҳокамадан ўтказиш учун электрон майдонча фаолиятини юритиб бориш;

хусусий секторга берилиши мумкин бўлган давлат функциялари таҳлилини олиб бориш ва ўрганиш натижасида тегишли чоралар кўрилиши юзасидан таклифлар тайёрлаш.

11. Қўйидагилар:

а) Кадастр агентлиги директори Х.С. Турахужаев зиммасига — Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги тажриба-синов тариқасида жорий этиладиган кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисларига кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини, шу жумладан, бирламчи кадастр йиғмажилдини тайёрлаш функциясини амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш, ушбу хизматлар нархининг минимал ставкаларини белгилаш, махсус автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш;

б) ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига:

махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари тўлиқ тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда бириктирилишини ташкил этиш, ушбу йўналишда тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама ёрдам бериш, юзага келадиган муаммоларни холисона, адолатли ва тезкор ҳал этиш ҳамда махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўз вақтида ўрнатилиши ва ишга туширилишини таъминлаш;

тадбиркорлик субъектларига барча тоифадаги автомобилотранспорт воситаларини (троллейбус ва трамвайдан ташқари) бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талаблари ва шартлари ишлаб чиқилиши, тадбиркорлик субъектлари томонидан замонавий автодромларни ташкил этиш ва уларни автоматлаштирилган махсус транспорт воситалари билан жиҳозлаш, назарий ва амалий имтиҳонлар ўтказилишини назорат қилиш;

в) Автомобиль йўллари қўмитаси раиси А.А. Абдувалиев зиммасига — оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар шохобчалар тўлиқ тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда бириктирилишини ташкил этиш, ушбу йўналишда тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама ёрдам бериш, юзага келадиган муаммоларни холисона, адолатли ва тезкор ҳал этиш ҳамда оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар шохобчалар ўз вақтида ўрнатилиши ва ишга туширилишини таъминлаш;

г) адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига — давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, давлат хизматлари марказлари томонидан айрим турдаги давлат хизматлари кўрсатилишида агент сифатида иштирок этиш, ушбу хизматни кўрсатиш ҳуқуқини берувчи сертификатни бериш тартибини ишлаб чиқиш, агент сифатидаги хизматлар бўйича махсус ўқув курсларининг ташкил этилишини таъминлаш;

д) молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига — давлат органлари ва ташкилотларининг хусусий секторга ўтказиладиган ички маъмурий-хўжалик фаолиятини таъминлаш ва сақлаш бўйича функцияларининг ҳамда ушбу тартиб жорий этиладиган вазирлик ва идораларнинг рўйхатини, шунингдек, улар бўйича иқтисодий таҳлил ўтказиш методикасини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият ва жавобгарлик юклансин.

12. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров давлат органларининг тегишли функциялари белгиланган муддатларда хусусий секторга ўтказилишини, шунингдек, хусусий секторга ўтказилган давлат функцияларини амалга ошириш тартиблари қисқа муддатларда ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин;

б) Давлат активларини бошқариш агентлиги (С.Х. Бекенов) икки ой муддатда мазкур қарорда белгиланган электрон аукцион савдоларини жорий этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилишини таъминласин;

в) масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш, шунингдек, давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш бўйича таъсирчан чораларни кўрсин;

г) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Ж. Ортиқов):

мунтазам равишда хусусий секторга ўтказилган давлат функциялари амалга оширилишини мониторинг қилиб борсин;

бир ой муддатда Хусусий секторни таҳлил қилиш ва ривожлантириш бошқармасини зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин;

икки ой муддатда ушбу қарордан келиб чиқадиган қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) Адлия вазирлиги (Р.Қ. Давлетов) давлат функцияларини хусусий секторга ўтказишнинг ҳуқуқий механизмлари ва ўз-ўзини тартибга солиш институтини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқишда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсин;

е) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А. Ходжаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К. Қўчимов) ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж. Хаджаев) билан биргаликда оммавий ахборот воситаларини жалб қилган ҳолда мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни аҳоли орасида кенг ёритиш чораларини кўрсин.

13. Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2021 йил 1 март, 1 сентябрь ва 2022 йил 1 январга қадар, кейинчалик ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 7 декабрь,
ПҚ-4913-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

549 Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнги икки йилда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги натижасида 2020 йилнинг ўзида қўшимча 133 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.

Бирок, тобора кучайиб бораётган сув тақчиллиги ҳамда сув ресурсларига бўлган эҳтиёж ўсиб бораётгани қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини кескин оширишни талаб этмоқда.

Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларининг самарадорлигини ошириш, суғориладиган майдонлар сув билан барқарор таъминланишига эришиш мақсадида:

1. Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимларини ҳамда ерни лазерли ускуна ёрдамида текислаган ҳолда дискретли суғориш усулини жорий қилиш суръатини беш баробарга ошириш, яъни 2021 йилда 230 минг гектар майдонда мазкур технологияларни жорий қилиш ҳамда суғориладиган 200 минг гектар майдонларни лазерли ускуна ёрдамида текислаш ор-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 12 декабрда эълон қилинган.

қали сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифи маъқуллансин.

2. 2021 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича прогноз кўрсаткичлар 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда мазкур қарорга 1-илова билан тасдиқланган прогноз кўрсаткичларга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари кесимида манзилли дастурлар ишлаб чиқиб, 2021 йил якунига қадар республика бўйича камида:

160 минг гектар пахта, 30 минг гектар мевали экинлар, 15 минг гектар узум ва 5 минг гектар бошқа экинлар етиштириладиган майдонларда томчилатиб суғориш;

14 минг гектар донли экинлар, 2 минг гектар сабзавот ва полиз ҳамда 2 минг гектар озуқабоп экинлар етиштириладиган майдонларда ёмғирлатиб суғориш;

600 гектар пахта етиштириладиган майдонларда дискретли суғориш технологияларини жорий қилишни таъминласин;

200 минг гектар экин майдонларида, шундан 43 минг гектар шоли етиштириладиган майдонларда лазерли ускуна ёрдамида текислашни ташкил этсин;

б) республиканинг барча ҳудудларида сув тежовчи технологиялар бўйича хусусий ёки давлат-хусусий шериклик асосида сервис ва диллерлик марказларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

в) ўтган йилларда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган майдонларда фойдаланилган бир йиллик томизгичли шлангларни утилизация қилиш мақсадида кичик корхоналар ва цехлар фаолиятини ташкил этиш учун шароитлар яратсин;

г) сув тежовчи технологияларни жорий қилиш учун жалб қилинган хорижий ва маҳаллий кредит маблағларини ўз вақтида қайтариш мақсадида уларнинг биринчи навбатда инфратузилма объектлари (электр энергияси) мавжуд бўлган ҳудудларда жорий этилишига эътибор қаратсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4087-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳларининг (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари) сувни тежайдиган технологияларни жорий этишдаги роли ва масъулиятини кескин ошириш чораларини кўрсин.

3. 2021 йилдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги янги тартиби белгилансин:

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар 2-иловага* мувофиқ тақдим этилади;

сувни тежайдиган технологияларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун 3-иловага* мувофиқ субсидиялар тақдим этилади;

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сотиб олинган ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизи Давлат бюджетидан қоплаб берилади.

Мазкур бандда назарда тутилган субсидия маблағлари жорий қилинган сувни тежайдиган технологиялар камида беш йил ишлатилиши шарти билан ажратилади.

Белгилансинки, сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган ер майдонлари камида 5 йил мобайнида мақбуллаштирилмайди, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнги рухсат этилади.

4. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов, А.Э. Эргашев):

2021 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ мазкур қарорнинг 2-бандида кўрсатилган тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин;

бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 сентябрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 575-сонли қарори асосида республика бюджетидан мақбуллаштирилган харажатлар йўналишларида кўрсатилган пахта хом ашёси етиштирувчиларининг томчилатиб суғоришни жорий этиш учун назарда тутилган 98,9 млрд сўм миқдордаги маблағларнинг ажратилишини таъминласин;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) тижорат банклари билан биргаликда экин ерларини лазерли ускуна ёрдамида текислаш бўйича кўрсатиладиган механизация хизматлари учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратиладиган пахта ва ғалла имтиёзли кредитлари ҳисобидан 250 млрд сўм тўлаб берилишини таъминласин.

5. 2021 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш учун талаб қилинадиган 1,5 трлн сўм субсидия маблағларининг:

330 млрд сўмини — Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Давлат бюджетидан ажратилишини таъминласин;

1 170 млрд сўмини — Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва С.Ў. Умурзаков, Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) бюджет-

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларидан жалб қилинган қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш чораларини кўрсин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.У. Умурзаков, Ш.А. Вафаев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) халқаро молия институтлари ва хорижий молия ташкилотларидан жалб қилинган маблағлар доирасида сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш учун фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига (кластерлар, кооперациялар) тижорат банклари орқали 200 млн долларгача кредит линияларини очсин.

7. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) икки ой муддатда Инновацион ривожланиш вазирлигига (И.Ю. Абдурахмонов) ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ҳамда сув билан таъминланганлик ҳолатларини инобатга олиб, сувни тежайдиган технологияларни қўллаш самарадорлиги бўйича долзарб муаммоларнинг илмий ечимига қаратилган илмий-инновацион лойиҳаларни шакллантириб, танлов эълон қилиш учун таклифлар киритсин.

8. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев, В.М. Ахмаджонов):

бир ой муддатда республикамизда ва бошқа давлатларда ишончли фаолият олиб бораётган томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимларини ишлаб чиқарувчи ҳамда қурувчи чет эл ва маҳаллий корхоналар рўйхатини шакллантирсин ҳамда мазкур тизимларни жорий қилиш истагида бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига етказсин;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ш.Ж. Тешаев) билан биргаликда тегишли мутахассисларни жалб қилиб, 2021 йил 1 февралга қадар республиканинг тупроқ-иқлим, сув билан таъминланганлик ва бошқа шароитларини ҳисобга олган ҳолда асосий экин турлари бўйича сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишнинг услубий қўлланмаларини ишлаб чиқсин;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ш.Ж. Тешаев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (А.С. Назаров) ҳамда Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (А.Б. Ўразгелдиев) билан биргаликда икки ой муддатда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини ҳамда суғориш усулларини инобатга оладиган, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш меъёрлари бўйича вақтинчалик нормативларни ишлаб чиқиб тасдиқласин.

9. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) Молия вазирлиги (А.Э. Эргашев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (К.А. Юлдашев), «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ (У.М. Мустафоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоят ҳокимликлари билан биргаликда:

2021 йил 1 апрелга қадар ҳар бир ҳудудда Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги биттадан насос станциясида сарфланаётган электр энергияси ва чиқарилаётган сув ҳажмини замонавий ахборот технологияларини жорий қилган ҳолда, инсон аралашувисиз, онлайн тартибда шаффоф мониторинг юритиш тизимини синов тариқасида жорий қилсин;

2021 йил 1 декабрга қадар Сув хўжалиги вазирлигининг мавжуд 1 688 та насос станциясида электр энергиясининг сарфи ҳамда чиқарилган сув ҳажми

ҳисобини юритувчи республика бўйича ягона электрон ахборот тизимининг ишга туширилишини таъминласин.

Бунда, мансублик чегарасидаги электр энергияси ҳисоблагичларини Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига мос ҳисоблагичларга алмаштирилиши ва сарфланаётган электр энергияси ахборотининг таъминланиши бўйича «Худудий электр тармоқлари» АЖ бошқаруви раиси У.М. Мустафоев, истеъмолчи балансида бўлган электр энергияси ҳисоблагичлари ҳамда сув ҳажми ҳисобини юритувчи ускуналар ўрнатилиши ва ахборот билан таъминланиши бўйича сув хўжалиги вазири Ш.Р. Ҳамраевнинг шахсан масъуллиги белгилаб қўйилсин.

Молия вазирлиги мазкур банднинг учинчи хатбошида кўрсатилган тадбирларни Сув хўжалиги вазирлигининг ҳисоб-китобларига асосан Давлат бюджети, халқаро молия институтлари ва донор мамлакатларнинг грантларини жалб қилиш ҳисобидан молиялаштириши белгилансин.

10. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К. Абдиназаров) Инновацион ривожланиш вазирлиги (А.С. Назаров) ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги (В.М. Аҳмаджонов) билан биргаликда 2021 йил 1 октябрга қадар илғор хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда Ўзбекистонда сувни тежайдиган технологияларни қўллаш самарадорлигини ўрганиб, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ҳамда сув билан таъминланганлик ҳолатларини инобатга олган ҳолда зарур тавсиялар ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Илғор хорижий мутахассисларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасидан қоплансин.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К. Абдиназаров), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Ҳамраев), «Ўзстандарт» агентлиги (Д.Н. Саттаров) ва «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси (М.Н. Юнусов) сувни тежайдиган суғориш тизимларининг бутловчи буюмлари ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқиш соҳасида саноат тармоқлари ўртасидаги ўзаро кооперацияни кенгайтириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини яратиш, маҳаллий ва хорижий технологиялар асосида намунавий типдаги республика табиий-иқлим шароитига мос келувчи сув тежовчи технологияларнинг стандартларини ишлаб чиқсин.

12. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Ҳамраев), Молия вазирлиги (А.Э. Эргашев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 февралга қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари томонидан сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишда Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилган ҳар бир лойиҳа камида беш йил муддатда самарали фойдаланилиши бўйича жавобгарлик белгилаш юзасидан қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилган ҳолда жорий қилинган сувни тежайдиган технологиялардан белгиланган тартибда ва муддатларда фойдаланилмаганда ажратилган субсидия маблағларини қайтариб олиш ҳамда қўлланилган солиқ имтиёзларини бекор қилишни;

жамоатчилик назорати механизмларини жорий қилишни, жумладан, давлат томонидан субсидия ажратилган ҳолда татбиқ этилган сувни тежайдиган технологиялардан ўрнатилган тартибда фойдаланмаслик ҳолатлари тўғрисидаги фотосуратлар ва видеоёзувларни юборган шахсларни қайтариб олинган субсидия маблағларининг беш фоизигача миқдордаги пул мукофоти билан рағбатлантиришни назарда тутсин.

13. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (М.М. Холмухамедов) ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги (Ш.У. Турдикулова) билан биргаликда Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги профессионал таълим муассасаларида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва фойдаланиш бўйича мутахассислар (консультант) тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимининг жорий этилишини таъминласин.

Бунда, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва фойдаланиш бўйича мутахассислар (консультант) тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш харажатлари Сув хўжалиги вазирлиги ва буюртмачиларнинг маблағлари ҳамда донор мамлакатларнинг грантлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

14. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сариев, С.Ж. Хўжаметов), Хоразм (Ф.Ў. Эрманов, О.Б. Юсупов), Бухоро (Ф.Б. Умаров, С.Н. Хикматов), Жиззах (Э.А. Салиев, О.Ш. Ашурматов) ва Сирдарё (Ғ.Ғ. Мирзаев, К.Э. Сабиров) вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда илмий-тадқиқот институтларини жалб қилган ҳолда 2021 йил 1 февралга қадар қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда шўр ювишнинг мутлақо янги тизимини жорий қилиш бўйича тегишли қарор лойиҳасини киритсин. Бунда:

шўр ювишда сув сарфини кескин камайтириш, иккиламчи шўрланиш даражасини пасайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар;

томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари жорий этилган майдонларда шўр ювишнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда аниқ таклифлар;

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти «Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш услублари» ва «Шўр ювиш технологиялари» бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлоди яратилиши ҳамда тегишли таълим йўналишларида ўқув режаларига киритилиши инobatга олинсин.

15. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.У. Умурзаков) Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А. Хайитов) билан биргаликда 2021 йилда халқаро ташкилотлар грантларини жалб қилиб, ҳар бир ҳудудда лазерли ускуна ёрдамида экин майдонларини текислаш ҳисобига сув сарфини камайтириш бўйича биттадан намунавий лойиҳани амалга оширсин.

16. 2020-2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар-

да сувни тежайдиган технологиялар қамровини кенгайтириш бўйича йўл хариталари 4а — 4м-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

17. Молия вазирлиги (А.Э. Эргашев) Сув хўжалиги вазирлиги (А.А. Мирзаев) ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ш.Ж. Тешаев) билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ғаниевга 2021 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича прогноз кўрсаткичларига зарур ҳолларда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

20. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М. Ғаниев ва Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 11 декабрь,
ПҚ-4919-сон

* 4а — 4м, 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**550 Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Почта алоқаси тизими бугунги кунда мамлакат ҳудудларида хат ва почта жўнатмалари билан бир қаторда товарларни етказиб бериш, банк, молия ва давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ўз инфратузилмасига эга бўлган муҳим соҳа ҳисобланади.

«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти мамлакатимизнинг почта алоқаси миллий оператори сифатида республика миқёсида 2 мингга яқин почта алоқаси объектига эга бўлиб, барча аҳоли пунктларини қамраб олган.

Шу билан бирга, Миллий оператор тармоғини ривожлантириш бўйича етарлича чоралар кўрилмаганлиги оқибатида Умумжаҳон почта иттифоқининг Почта ривожланиши индекси глобал рейтингда Ўзбекистон 93-ўринда қолмоқда.

Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, почта алоқаси хизматларини тақдим этиш фаолиятини тўлиқ автоматлаштириш орқали Почта ривожланиши индекси глобал рейтингда мамлакатимизни биринчи 50 таликка киритиш мақсадида:

1. Қуйидагилар почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

а) хат-хабар ташиш ва курьерлик хизматларини ривожлантириш бўйича: почта ва курьерлик хизматларини тақдим этиш фаолияти билан шуғулланиб келаётган маҳаллий ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликда «якуний манзил» хизматини жорий этиш;

почта алоқасининг анъанавий хизматларини такомиллаштириш, уларни рақамлаштириш, жўнатмаларни қабул қилиш, кузатиб бориш ва етказиш жараёнларига ахборот технологиялари ва тизимларини жорий этиш орқали аҳоли, бизнес ва давлат идораларига замонавий хизматларни тақдим этиш;

«Гибрид почта» жўнатмаларини қабул қилиш ва етказиб бериш хизматлари сонини 2 баробарга ошириш;

б) электрон тижорат бозоридаги фаолиятни ривожлантириш бўйича: маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини онлайн сотиш ва мижозларга етказиб бериш имкониятини берувчи электрон савдо майдончаси ахборот тизимини яратиш;

логистика марказларини ташкил этиш, товарларни сақлаш ва етказиб беришни ўз ичига олган хизматларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

в) хизматлар бозоридаги почта алоқаси фаолиятини ривожлантириш бўйича:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 15 декабрда эълон қилинган.

почта алоқаси объектлари орқали тўловларни онлайн режимда қабул қилиш автоматлаштирилган тизимини модернизациялаш ва унинг мобиль иловасини ишлаб чиқиш;

республиканинг камида 1 000 та почта бўлимида, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда молиявий хизматлар турларини, хусусан, аҳолидан тўловлар қабул қилишни икки баробарга кенгайтириш ҳамда аутсорсинг асосида банк хизматлари кўрсатилишини йўлга қўйиш;

олис ва чекка ҳудудлардаги почта бўлимида давлат хизматлари кўрсатилишини йўлга қўйиш;

почта алоқаси соҳасида жорий этилаётган янги хизмат турларини инобатга олган ҳолда Миллий оператор тизимида фаолият юритувчи кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

2. Қўйидагилар:

2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида почта алоқаси соҳасини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ;

2021 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида почта алоқаси соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қўйидагиларни инобатга олувчи 2021 йилда 42 та намунавий туманларда (шаҳарларда) почта алоқаси корхоналарини трансформация қилиш лойиҳаларини кўзда тутувчи «Йўл харита»ларини 3 — 16-иловаларга* мувофиқ амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

а) почта биноларини қайта қуриш ва таъмирлаш ҳамда улардан унумли фойдаланиш бўйича:

267 та почта алоқаси бўлими биносини таъмирлаш;

110 та бинони давлат-хусусий шериклик асосида замонавий кўринишда қайта қуриш бўйича келишувга эришиш;

б) телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича:

326 та почта алоқаси бўлимигача 754 км оптик толали алоқа линияларини тортиш;

250 та почта алоқаси бўлимини замонавий компьютер техникаси ва мобиль қурилмалар билан таъминлаш;

в) почта алоқаси боғламасининг молиявий ва иқтисодий аҳволини яхшилаш ҳамда почта хизматларини кўрсатиш бўйича:

42 та туман почта алоқаси боғламасида «Гибрид почта» жўнатмаларини чоп этиш ва унга ишлов берган ҳолда олувчиларга етказиб беришни йўлга қўйиш;

230 та почта алоқаси бўлимида банк хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш;

* 1 — 16-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

55 та қўшимча почта алоқаси бўлимини очиш ҳисобидан 145 та янги иш ўрни яратиш.

4. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садиков) ҳамда Миллий оператор (А.Н. Файзуллаев):

2021 йил 1 февралга қадар онлайн савдо майдончасини ишга тушириб, маҳсулотларни республика бўйича, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда савдога олиб чиқиш, Миллий оператор тармоқларидан фойдаланиб, сотилган маҳсулотларни манзилларга етказиб бериш тизимини жорий этсин;

АТ «Алоқабанк» (К.Н. Ирисбекова) билан биргаликда 2021 йил 1 мартга қадар почта алоқасининг анъанавий ва жорий этилаётган янги хизматлари бўйича малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда, ўқув марказини ташкил қилсин ҳамда 2021 йил якунига қадар 2 000 та, 2022 йилда барча ходимларнинг малакаси оширилишини таъминласин;

2021 йил 1 апрелга қадар Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида биттадан почта алоқаси объектида мижозлар номига келган почта жўнатмаларини олиш учун мўлжалланган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи автоматлаштирилган комплексларни (почтамат) жорий этиш бўйича синов/намунавий лойиҳаларни амалга оширсин ва 2021 йил якунига қадар яна 150 та объектда ушбу хизматни жорий этиш чораларини кўрсин;

2021 йил 1 июлга қадар почта жўнатмаларини қабул қилиш, саралаш ва онлайн кузатиш имконини берувчи автоматлашган тизимни ишга туширсин ҳамда маҳаллий ва хорижий курьерлик компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда уларнинг тизимларига интеграция қилсин;

2021 йил 1 майга қадар тижорат банклари билан биргаликда банк пластик карталарига почта алоқаси бўлимлари орқали тўлиқ хизмат кўрсатиш (карталарни маблағ билан тўлдириш, нақд пул ечиш, жисмоний шахсларни идентификация қилиш) тизимини жорий этсин;

2021 йил 1 июлга қадар почта тармоқлари орқали аутсорсинг асосида тижорат банклари номидан жисмоний шахсларга кредит бериш тўғрисида аризаларни қабул қилиш, кредитларни сўндириш бўйича тўловларни қабул қилиш, юридик шахслар кунлик савдо тушумини қабул қилиш каби банк хизматлари кўрсатишни жорий қилишни таъминласин;

2021 йил якунига қадар интернет-дўконлари товарларини сақлаш ва етказиб бериш хизматларини ўз ичига олган 4 та логистика марказини ташкил этсин.

5. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, тижорат банкларининг «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятининг 100 млрд сўм миқдоридagi оддий акцияларини қўшимча чиқариш ҳамда мазкур акцияларни 17-иловада* келтирилган корхона ва ташкилотлар орасида жойлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2020 — 2024 йиллар якунига кўра Миллий оператор устав капиталидаги давлат улуши бўйича ҳисобланган дивидендлар почта алоқаси тармо-

* 17-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ғини ривожлантириш, ахборот тизимларини жорий этиш ва кўрсатилаётган хизматларни кенгайтириш учун устав капиталини ошириш (капитализация қилиш) шарти билан Миллий оператор ихтиёрида қолдирилсин.

6. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Миллий оператор Адлия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 апрелдан бошлаб олис ва чекка ҳудудларда жойлашган почта алоқаси объектларида камида 13 та турдаги давлат хизмати аутсорсинг асосида ташкил этилишини таъминласин.

Бунда, почта алоқаси хизмати ҳақи кўрсатилган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари, йиғимлари ва барча турдаги тўловлар суммасининг 10 фоизи миқдориди белгиланади ва Давлат хизматлари агентлиги томонидан маблағларнинг ўзига йўналтириладиган қисми ҳисобидан тўлаб берилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4337-сон ҳамда 2020 йил 7 майдаги «Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4707-сон қарорларига мувофиқ жорий этилган маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдориди компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш механизми маҳсулотларни экспорт қилишда почта жўнатмалари орқали ташиш харажатларига ҳам татбиқ этилсин.

Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С.У. Умурзаков) бир ой муддатда маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар (уларнинг ваколатли вакиллари)га маҳсулотларни экспорт қилишда почта жўнатмалари орқали ташиш харажатларини қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш шартлари, миқдорлари ва тартибини тасдиқласин.

8. Миллий оператор 2022 йил якунига қадар ушбу қарор билан белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган автотранспорт воситалари, ускуналар, қурилмалар, моддий-техника ресурслари, дастурий таъминот ва хизматларни импорт қилишда божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

9. Мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишнинг куйидаги тартиби ўрнатилсин:

Бош вазир маслаҳатчиси — ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров — мазкур қарорда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши устидан тизимли назоратни ташкил этади;

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков — почта алоқаси тизимини ривожлантириш масалалари бўйича оператор ва провайдерларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради,

фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади, шунингдек, ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар ушбу қарор билан тасдиқланган «Йўл харита»лари ижроси тўғрисида умумлашган таҳлилий маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари — аҳоли гавжум жойларда устувор равишда почта алоқаси хизматларини кўрсатиш объектлари учун ер ажратиш, почта биноларидан самарали фойдаланиш, уларни замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талабларига мослаштиришни таъминлайди, шунингдек, ташкил этилаётган онлайн савдо майдончасига маҳаллий маҳсулотларни жойлаштириш ишларига тадбиркорларни кенг жалб қилади;

«Ўзбекистон почтаси» АЖ Бош директори в.б. А.Н. Файзуллаев — қарор билан тасдиқланган «Йўл харита»ларида «Ўзбекистон почтаси» АЖ олдига қўйилган вазифалар ҳамда чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлайди.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ҳамда шахсий жавобгар этиб Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаров ва ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиқов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 14 декабрь,
ПҚ-4921-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**551 Тошкент шаҳрида маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Тошкент шаҳрида иқтисодиёт тармоқларининг юқори суръатларда ривожланишини таъминлаш, маиший ва қурилиш чиқиндиларини тўплаш, саралаш, олиб чиқиш ва қайта ишлашнинг замонавий усуллари ҳамда технологияларини жорий этиш, шунингдек, ушбу йўналишда бошқарувнинг замонавий тизимини йўлга қўйиш орқали соҳага тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш ҳамда хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси), Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

Давлат экология қўмитаси тизимидаги «Махсустрас» давлат унитар корхонаси ва «Чиқиндиларни қайта юклаш ва утилизация қилиш» давлат корхонасини Тошкент шаҳар ҳокимлиги тизимига ўтказиш;

«Чиқиндиларни қайта юклаш ва утилизация қилиш» давлат корхонасини «Махсустрас» давлат унитар корхонасига қўшиб юбориш;

«Махсустрас» давлат унитар корхонаси иштирокида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш ҳақидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, «Махсустрас» давлат унитар корхонаси иштирокида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширишда:

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси давлат органи ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркор ёхуд юридик шахс томонидан ташаббус қилинади;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги давлат шериги ҳисобланади;

хусусий шерик Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ аниқланади;

«Махсустрас» давлат унитар корхонаси томонидан санитар тозалаш хизматлари кўрсатилаётган ҳудуд, унинг учун ажратилган чиқинди полигонлари ва унга тегишли бўлган мол-мулк, шу жумладан, махсус автотранспорт воситалари ва техникалар давлат-хусусий шериклик объекти ҳисобланади;

«Махсустрас» давлат унитар корхонаси ҳисобидаги махсус автотранспорт воситалари ва техникалари хусусий шерикка ўн йилгача муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилади ҳамда тўловлар тўлиқ тўлаб бўлинганидан сўнг уларни тасарруф этиш ҳуқуқи хусусий шерикка ўтказилади;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 16 декабрда эълон қилинган.

«Махсустранс» давлат унитар корхонасига тегишли бўлган бино ва иншоотлар ҳамда ер майдонлари, шу жумладан, чиқинди полигонлари хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муддатига вақтинчалик фойдаланишга берилади.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А. Артиқходжаев):

а) Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда «Махсустранс» давлат унитар корхонаси иштирокида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин;

б) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларида қуйидагиларни назарда тутсин:

хусусий шерик томонидан Тошкент шаҳрида ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни замонавий технологияларни татбиқ этган ҳолда утилизация қилиш ва қайта ишлаш корхонасини ташкил қилиш;

«Махсустранс» давлат унитар корхонаси иштирокида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш доирасида ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндилар утилизация қилингандан сўнғ қолган қисмни кўмиш амалиётини босқичма-босқич жорий этиш;

Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Тошкент шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш» лойиҳаси доирасида давлат кафиллиги остида жалб қилинган кредитларни давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида қайтариш тартибини белгилаш.

4. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2020 — 2022 йилларда Тошкент шаҳрида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида эришилиши таъминланадиган мақсадли кўрсаткичлар 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини амалдаги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, саралаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини ташкил этиш соҳасида хусусий сектор улушини 100 фоизга етказиш;

аҳолига қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш бўйича мавжуд дебитор қарздорликни 75 фоизга камайтириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги «2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4291-сон қарорига мувофиқ 2022 йилдан бошлаб республика шаҳарларининг кўп квартирали турар жой секторига беш турдаги маркаланган контейнерларни ўрнатишга асосланган, қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаб йиғиш тизимини жорий этиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2021 йил 1 мартдан бошлаб қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаб йиғиш тизими (кейинги ўринларда — чиқиндиларни саралаб йиғиш тизими) қўйидаги тартибда босқичма-босқич жорий этилсин:

1-босқичда (2021 йилда) — Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан белгиланадиган маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида чиқиндиларни «қайта ишланадиган» ва «қайта ишланмайдиган» тоифаларга ажратган ҳолда йиғиш;

2-босқичда (2022 йилда) — «Махсустрас» давлат унитар корхонаси томонидан хизмат кўрсатиладиган барча ҳудудлардаги яқка тартибдаги турар-жой секторида қаттиқ маиший чиқиндиларни «қайта ишланадиган» ва «қайта ишланмайдиган» тоифаларга ажратган ҳолда йиғиш;

3-босқичда (2023 йилдан бошлаб) — барча туманларда чиқиндиларни «қайта ишланадиган», «қайта ишланмайдиган», «органик», «хавfli маиший чиқиндилар» ва бошқа тоифаларга ажратган ҳолда йиғиш.

6. 2021 — 2025 йилларда Тошкент шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни истеъмолчилардан саралаб йиғиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилансинки, чиқиндиларни саралаб йиғиш тизими жорий этилаётган ҳудудларда:

1-босқичда истеъмолчилар чиқиндиларни «қайта ишланадиган» ва «қайта ишланмайдиган» тоифаларга ажратилган ҳолда тўплаши учун рангли чиқинди контейнерлари ва (ёки) қайта ишланадиган пакетлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Махсустрас» ДУК томонидан бепул таъминланади;

чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш тарифлари истеъмолчилар томонидан чиқиндилар саралаб йиғилганлигини инобатга олиб пасайтирилган ҳолда белгиланади.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж. Артикходжаев), Давлат экология қўмитаси (А.И. Максудов) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Т. Маматов) билан биргаликда қаттиқ маиший чиқиндиларни истеъмолчилардан саралаб йиғиш тизими жорий этилаётган ҳудудларда:

янги типдаги чиқиндиларни сараланган ҳолда тўплаш шохобчаларини барпо этиш;

қаттиқ маиший чиқиндиларнинг турига қараб маркаланган замонавий контейнерларни ўрнатиш;

сараланган чиқиндиларни алоҳида олиб чиқиш ва уларни қайта ишлашни йўлга қўйиш;

чиқиндиларни сараланган ҳолда йиққанлик учун истеъмолчиларни моддий рағбатлантириш амалиётини татбиқ этиш;

истеъмолчиларни сараланган чиқиндиларни олиб чиқиш режа-жадвали билан таъминлаш, чиқиндиларни саралаб йиғиш тартиб-қоидалари, ўрнатилган рағбатлантириш механизмлари ва қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳақида уларнинг хабардорлигини ошириш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш чораларини кўрсин.

9. Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Тошкент шаҳрида қаттиқ маи-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ший чиқиндиларни бошқариш» лойиҳасини жадаллаштириш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А. Артикходжаев):

а) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) билан биргаликда уч ой муддатда чиқиндиларни саралаб йиғиш тизими жорий этилаётган ҳудудлар учун пайтирилган тарифларни ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашига киритсин;

б) 2021 йил 1 апрелга қадар қўйидаги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига асосланган тартибда киритсин:

Энергетика вазирлиги (А.С. Султанов), Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) ва Давлат экология қўмитаси (А.И. Максудов) билан биргаликда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш харажатларини истеъмолчиларнинг фойдаланилган электр энергияси тарифлари таркибига киритиш механизмларини жорий қилиш;

Тошкент вилояти ҳокимлиги (Р.Қ. Холматов) ва Давлат экология қўмитаси (А.И. Максудов) билан биргаликда Тошкент шаҳридан чиқаётган қурилиш чиқиндилари учун полигон ташкил этишга тегишли ер майдонини ажратиш.

11. Қурилиш вазирлиги (Б.И. Закиров), Давлат экология қўмитаси (А.И. Максудов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садиқов) билан биргаликда икки ой муддатда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимини қўйидагиларни инобатга олган ҳолда такомиллаштирсин:

қурилиш ишлари натижасида ҳосил бўлган, сараланган, қайта ишлага ва утилизацияга топширилган чиқиндиларнинг тўлиқ цикли ҳақидаги маълумотларни киритиб бориш;

объектларда ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндиларининг миқдори ва сифат кўрсаткичларини (келиб чиқиши, агрегат ҳолати, хавфлилик даражаси ва бошқалар) ҳамда давлат экологик экспертизаси ҳулосасига асосан улардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

қурилиш ишлари амалга ошириладиган объектларда қурилиш чиқиндилари тўпланадиган жойларни (майдончаларни) белгилаш;

объектларда ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндиларини тўплаш, олиб чиқиш, қайта ишлаш, утилизация қилиш ва полигонларга жойлаштиришнинг кузатув мониторингини амалга ошириш;

қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган бошқа тадбирлар.

12. Осие тараққиёт банки иштирокида амалга ошириладиган «Тошкент шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш» лойиҳасини амалга ошириш муддати 2022 йилга қадар узайтирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шах-

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сий жавобгар этиб Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артикходжаев белгилансин.

Қарор бўйича ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ярим йил якуни бўйича ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 декабрь,
ПҚ-4925-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 15 декабрдаги
ПҚ-4925-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги ПҚ-3067-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига асосан давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган давлат мулки объектлари рўйхатида:

а) 112-позиция чиқариб ташлансин;

б) 290-позициянинг «Давлат мулки объектнинг номи» устунидаги «Чиқиндиларни қайта юклаш шохобчаларидан фойдаланиш корхонаси» ДУК» сўзлари «Махсустрас» ДУК» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 3 октябрдаги ПҚ-3956-сон қарорида:

а) 5-банднинг «б» кичик банди иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат экология қўмитаси тизимига кирувчи маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолиятини мувофиқлаштириш»;

б) 7-банднинг биринчи хатбошисидаги:

«ва «Махсустранс» сўзлари чиқариб ташлансин;

«корхоналарининг» сўзи «корхонасининг» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 1-иловадан «Махсустранс» ДУК ва унинг Тошкент шаҳар туманлардаги филиаллари, «Chiqindilarni qayta yuklash va utilizasiya qilish» ДК*» блоки чиқариб ташлансин;

г) 6-иловада:

«Тошкент шаҳри «Махсустранс» ДУК», «Туман филиаллари», «Chiqindilarni qayta yuklash va utilizasiya qilish» ДК» блоклари чиқариб ташлансин;

изоҳдаги «санитар тозалаш нодавлат ихтисослаштирилган» сўзлари «санитар тозалашга ихтисослаштирилган бошқа» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

552 Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида*

Маълумки, 2021 йилда халқимиз неча юз йиллик тарихи давомида орзу қилиб, интилиб яшаган ва XX аср сўнгида эришган, мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк, оламшумул воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганига ўттиз йил тўлади.

Мустақиллик йилларида кўп миллатли Ўзбекистон халқи ўзининг буюк салоҳияти, мустақкам иродаси ва матонатини намоён этди, оғир синов ва машаққатларни мардона енгиб, катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Юртимиз илгариги иқтисодиёти бир томонлама шаклланган, қоқ республикадан барча соҳаларда жадал ривожланиб, фуқароларнинг ҳаёт даражаси, сиёсий-ижтимоий фаоллиги, онгу тафаккури тобора юксалиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида узоқ-яқиндаги барча мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини кенг миқёсда олиб бораётган замонавий, очиқ ва демократик давлатга айланди.

Сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотларимиз натижасида, айниқса, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 18 декабрда эълон қилинган.

жорий этиш асосида мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётини тубдан янгилаш, «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» ғоясини реал воқеликка айлантириш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Жаҳон миқёсида давом этаётган коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқирозга, шунингдек, бошқа турли таҳдид ва хатарларга қарамасдан, халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги амалий ҳаракатлари изчил давом эттирилмоқда.

Жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳити мустаҳкамланмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги босиб ўтган ривожланиш йўлимизни сарҳисоб қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилиш орқали олдимизда турган устувор вазифа — Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври учун пойдевор яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтиришда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг улкан сиёсий, тарихий ва маънавий-маърифий аҳамиятини инобатга олиб, истиқлол йўлининг асосий мақсад ва вазифаларини янги босқичда очишмай, самарали давом эттириш, бу қутлуғ санани давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги тараққиёт даражаси, халқаро майдондаги обрў-эътиборига муносиб юксак савияда, умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) ташкил қилинсин ва унинг таркиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда қуйидаги устувор йўналишларни атрофлича ёритишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) тасдиқласин:

жамиятда қонун устуворлиги ва судларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарларининг вакиллик органлари ва жамоатчилик олдида ҳисобот бериш тизимининг йўлга қўйилгани, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган туб ислохотлар;

мамлакатимизни модернизация қилиш, давлат ва жамият бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини янада ошириш, коррупцияга қарши ку-

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рашиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар;

«Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун» ва «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» тамойиллари асосида фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича эришилаётган натижалар;

иқтисодиётни либераллаштириш, иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирларни қисқартириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини кучайтириш, валюта бозорини эркинлаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш дастурлари, камбағалликни қисқартириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси;

«Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади» тамойилини ҳаётга жорий этиш орқали аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, бизнес юритиш шартларини енгиллаштириш, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик, ҳунармандчиликни рағбатлантириш учун яратилган янги имкониятлар;

«Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Беш муҳим ташаббус», «Бир миллион дастурчи» каби ижтимоий лойиҳаларнинг жорий этилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг реал даромадларини изчил ошириб бориш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт, спорт соҳаларини тубдан ривожлантириш;

жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ёш қизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши учун қўмак ва ёрдам бериш, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар;

ёшларга оид давлат сиёсатини самарали олиб бориш, жумладан, ёшларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, уларни муносиб иш билан таъминлаш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга тайёрлаш, ёш тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган дастурлар;

аҳолини турар жой билан таъминлаш, хусусан, намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш, кекса авлод вакилларини, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёрдам ва қўмакка муҳтож фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар;

буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини барпо этиш борасида белгилаб берилган узоқ муддатли стратегик вазифалар доирасида миллий ғояни ривожлантириш, жумладан, давлат тилининг ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган амалий ҳаракатлар;

халқимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати ўзгариб, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат ва фуқаролик институтлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар;

жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва

диний бағрикенгликни таъминлаш, чет эллардаги фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, қўшни мамлакатлар билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларининг тубдан яхшилангани, минтақавий ва халқаро муаммоларни бир-галикда ҳал этиш саъй-ҳаракатлари;

мамлакатимизда диний-маърифий соҳага берилаётган катта эътибор, хусусан, Ўзбекистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси қабул қилингани, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, ҳадис ва калом мактабларини ташкил этиш билан боғлиқ амалий ишлар;

халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли таъминлаш мақсадида Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар, жумладан, миллий армияни модернизация қилиш, ҳарбий саноат комплексини яратиш, ҳарбий таълим тизими ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ улкан ўзгаришлар;

жаҳон миқёсида турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олиб, экстремизм, терроризм, наркотрафик, одам савдоси, глобал пандемия каби таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги таҳликали замонда ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган мезонлар асосида доимо огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган муҳим ишлар.

3. Республика комиссияси (А.Н. Арипов):

Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ишлари ва Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарининг фаолиятини мувофиқлаштириб борсин;

жойларда таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ва бадиий кечалар ўтказилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган илмий ва ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат арбоблари, жумладан, мақом ва бахшичилик санъати вакиллари, истеъдодли ёш ижрочилардан иборат ижодий гуруҳларни шартнома асосида жалб этиш чораларини кўрсин.

4. Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Бадиий академия, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда кенг жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги санаси муносабати билан:

пойтахтимизда «Истиқлол» мажмуасини ташкил этиш ва у ерда мустақиллигимизнинг мазмун-моҳияти ва тарихий аҳамиятини акс эттирадиган ёдгорлик композициясини барпо этиш;

Тошкент шаҳрида барпо этилаётган ер усти метро халқа йўлини «Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз йиллиги» деб номлаш;

«Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври ва ривожланиш истиқболлари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияни ташкил этиш;

ўтган даврда эришилган ютуқларга бағишланган «Янги Ўзбекистон» китоб-альбомини ҳамда ҳар бир соҳада амалга оширилган ислохотлар натижаларини ёритиб берувчи китоб-альбом ва тўпламларни нашр этиш;

2021 йилда юртимизда ўтказилиши режалаштирилган барча халқаро маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, илмий конференциялар, аждодларимиз юбилей саналарини мустақилликнинг ўттиз йиллиги ғояси ва руҳи билан уйғун ва ҳамоҳанг ҳолда ташкил этиш;

маданият ва санъатнинг барча йўналишлари (муסיқа, театр, кино, тасвирий ва амалий санъат, цирк, халқ ижодиёти) бўйича республика миқёсида фестивалъ ва кўргазмаларни ташкил этиш;

юртимиз мустақиллигини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва муסיқа асарлари ҳамда тарихий ва замонамиз қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги пьесалар танловларини ташкил этиш;

мустақиллик йилларида эришилган илмий ютуқлар асосида яратилган инновацион лойиҳа ва технологиялар кўргазмаларини ўтказиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

5. Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков):

а) масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбирларини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда юқори бадий савияда ўтказиш учун мамлакатимиз ва хориждан малакали мутахассисларни жалб этиш чораларини кўрсин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У. Маджидов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х. Шерматов), Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси (Р.Д. Қурбонов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М. Ходжиматов) ва Ёзувчилар уюшмаси (С.С. Саидов) билан биргаликда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юртимизда фаолият юритаётган миллий маданият марказларини кенг жалб этган ҳолда байрам тантаналари ва халқ сайилларини ташкил қилсин;

маданият ва истироҳат боғларида шартнома асосида таниқли санъат намояндалари, бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида концерт дастурлари намойиш этилишини таъминласин;

кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини яратишга бағишланган публицистик мақолалар ва шеърлардан иборат китобни республика бюджети маблағлари ҳисобидан чоп этсин.

6. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х. Камилов) Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков), «Ўзбеккино» миллий агентлиги (Ф.Ф. Абдухаликов), Бадий академия (А.В. Нуриддинов), Республика Маънавият ва маърифат

маркази (М.М. Ходжиматов) билан биргаликда хорижий мамлакатларда давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий мамлакатларда яшаётган ватандошларимизни жалб қилган ҳолда «Ўзбекистон кунлари»ни ўтказсин ва унинг доирасида маданий-маърифий тадбирларни амалга оширсин.

7. «Ўзбеккино» миллий агентлиги (Ф.Ф. Абдухаликов) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж. Хаджаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрами муносабати билан фильмлар яратиш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2021 йил давомида барча туман (шаҳар)лар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, миллий телеканалларда мустақиллик йилларида яратилган энг яхши бадий ва ҳужжатли фильмларнинг кенг намоёйишини ташкил этсин.

8. Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков) Бадий академия (А.В. Нуриддинов), Ёзувчилар уюшмаси (С.С. Саидов), Журналистлар ижодий уюшмаси (Х.Х. Салимов) ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда «Энг улуг, энг азиз», «Ранглар жилосида — она диёр», «Ватан учун яшайлик!» каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда хомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида — Республика комиссияси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж. Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К. Кўчимов), «Дунё» ахборот агентлиги (С.Л. Суяров) ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 17 декабрь,
ПҚ-4926-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI PRESIDENTINING
ҚАРОРИ**553** Худудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш, тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳалари учун инфратузилма яратишда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. 2021 йилда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳалари учун ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш тадбирларига Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 1 триллион сўм кўзда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш тадбирлари:

ичимлик суви, оқова сув тармоқларини ҳамда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — Давлат бюджети маблағлари;

электр энергияси ва табиий газ тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — тегишлича таъминотчи корхоналар томонидан тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ таъминотчи корхоналарга ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан 5 фоиз ставкада уч йил муддатда қайтариш шarti билан ажратиладиган бюджет ссудаси маблағлари;

алоқа тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — таъминотчи корхоналар томонидан тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ таъминотчи корхоналарнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари;

б) худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ва тадбирларнинг муҳандислик-коммуникация тармоқларини

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 18 декабрда эълон қилинган.

қуриш (таъмирлаш) ишлари бўйича — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

бюджет ссудаси маблағлари электр энергияси тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун «Худудий электр тармоқлари» АЖга ҳамда табиий газ тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун «Худудгазтаъминот» АЖга ажратилади;

махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармалари ҳузуридаги автомобиль йўлларини ривожлантириш жамғармалари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Вазирлар Маҳкамаси:

икки ҳафта муддатда 2021-2022 йилларда махсус иқтисодий зоналарни ва кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлашга оид чора-тадбирларнинг манзилли рўйхатларини;

2021 йил 1 апрелга қадар тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш мақсадида қиймати 250 миллиард сўм миқдоридан ошадиган хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг инвестиция лойиҳалари ташқи инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

5. Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлашга давлат бюджетидан маблағлар ажратилишининг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш бўйича махсус комиссия иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

6. Махсус комиссия (Т.А. Ишметов):

ҳар ой якуни билан жойлардаги махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминланганлик ҳолати танқидий ўрганиб чиқилишини;

Давлат бюджетидан, шу жумладан, бюджет ссудаси ҳисобидан ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш бўйича тақдим этилган таклифларни кўриб чиқиш ва тегишли хулоса беришни;

ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлашда молиялаштириш манбаларига аниқлик киритиб боришни ҳамда махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш учун ажратиладиган маблағларнинг энг мақбул йўналишини белгилашни;

ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш билан боғлиқ тадбирларга Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг натижадорлигини таъминласин.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Махсус комиссиянинг ишчи органи этиб Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги белгилансин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йилдан бошлаб, ҳар йили Давлат бюджетининг асосий параметрларини шакллантиришда махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш ишлари учун ажратиладиган Давлат бюджети маблағларини Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилишини кўзда тутсин.

8. Ҳисоб палатаси Молия вазирлиги билан биргаликда махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш ишларига ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 18 декабрь,
ПҚ-4929-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

554 Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 44, 67 ва 98-бандларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1829-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сонли «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 15 мартдаги 8/8-сон қарори (рўйхат рақами 1829, 2008 йил 18 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 24-25-сон, 247-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 44, 67 ҳамда 98-бандлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 4 декабрь,
26/5-сон

Келишилди:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2020 йил 4 декабрь

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

555 Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2321-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 октябрдаги 789-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 30 сентябрдаги 822-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ–5538-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3931-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 20 февралдаги ПҚ–4199-сон қарори)»ги ҳамда 2019 йил 17 октябрдаги 880-сон «Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2011 йил 26 декабрдаги 38 ва 42 қ/қ-сон қарори (рўйхат рақами 2321, 2012 йил 1 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 5-сон, 55-модда) билан тасдиқланган Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 15 декабрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 1 декабрь,
14-мҳ-сон

**Давлат тест
маркази директори**

М. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 ноябрь,
04-ҚҚ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил
1 декабрдаги 14-мҳ-сон ва Давлат тест
марказининг 2020 йил 30 ноябрдаги
04-ҚҚ-сон қарорига
ИЛОВА

Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Муқаддиманинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги 173-сон «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфлари (бундан буён матнда ихтисослаштирилган синф деб юритилади), давлат ихтисослаштирилган мактаблари ва мактаб-интернатларига (бундан буён матнда ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаси деб юритилади) ўқувчилар қабул қилиш ва уларни ушбу ихтисослаштирилган синф ҳамда ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасидан ўқишдан четлатиш тартибини белгилайди.»

2. 1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ихтисослаштирилган синф ва ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасида ҳужжатларни қабул қилиш, расмийлаштириш ва тегишли фанлардан тест синовларини ўтказиш ҳамда ота-оналарнинг мурожаатларини

кўриб чиқиш Комиссияси тузилади (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади).

Комиссия таркиби 5 нафардан кам бўлмаган тоқ миқдорда ташкил этилиб, таркибига ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаси (ихтисослаштирилган синфи мавжуд умумтаълим мактаб) директори, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими вакили, умумтаълим муассасаси ўқитувчилари ҳамда оналарнинг вакиллари киритилади.

Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаси (ихтисослаштирилган синфи мавжуд умумтаълим мактаби) директори Комиссия раиси ҳисобланади.

Бевосита республика ёки вилоят халқ таълимини бошқариш ҳудудий органлари тасарруфидаги ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида ташкил этилган Комиссия таркибига тегишли бошқариш органи вакили киритилади.

Фарзандлари ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасига қабул қилиш бўйича синовда қатнашаётган шахслар комиссия таркибига киритилмайди.

2. Ихтисослаштирилган синф ва ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасининг 5-синфига ўқув йили тамом бўлгандан кейин 4-синф ўқувчилари, ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасининг (мактаб-интернатнинг) 7-синфига ўқув йили тамом бўлгандан кейин 6-синф ўқувчилари танлов асосида қабул қилинади.».

3. 4 — 6-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Комиссия томонидан ихтисослаштирилган синф ва ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасига ҳужжатлар ҳар йили 1 — 30 июнь кунлари қабул қилинади.

Ўқувчиларни қабул қилиш бўйича танловга буюртма ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳужжатларни қабул қилиш жараёни яқунланган кундан бошлаб 5 кун муддат ичида Давлат тест марказига тақдим этилади.

5. Танловда иштирок этиш учун ўқувчилардан қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинади:

ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаси (ихтисослаштирилган синфи мавжуд умумтаълим мактаби) директори номига ариза;

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

3 x 4 ҳажмдаги 2 та фотосурат.

6. Ихтисослаштирилган синф ва ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасининг 5-синфи ҳамда ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасининг (мактаб-интернатнинг) 7-синфи учун танловлар Давлат тест маркази томонидан Халқ таълими вазирлиги билан келишилган муддатда ўтказилади.».

4. 8 — 15-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Тест синови материаллари ва методикаси Давлат тест маркази томонидан шакллантирилади. Тест саволларининг мураккаблик даражаси тегишлилиги бўйича таълим дастурларидан келиб чиқиб белгиланади.».

6. 18-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Ўқувчиларни ихтисослаштирилган синф ва ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасининг 5 ва 7-синфларига қабул қилиш бўйича тест синовлари учун 60 дақиқа вақт берилади.»

7. 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Ўқувчиларни 5 ва 7-синфга қабул қилиш учун Давлат тест маркази томонидан қуйидаги фанларнинг тегишлилиги бўйича биттасидан тест синовлари ўтказилади:

филология — муассасада таълим олиб бориладиган тил ва адабиётдан 20 та, математикадан 10 та, жами 30 та тест саволи;

ижтимоий фанлар — муассасада таълим олиб бориладиган тил ва адабиётдан 20 та, математикадан 10 та, жами 30 та тест саволи;

аниқ фанлар — математикадан 20 та, муассасада таълим олиб бориладиган тил ва адабиётдан 10 та, жами 30 та тест саволи;

табиий фанлар — математикадан 20 та, муассасада таълим олиб бориладиган тил ва адабиётдан 10 та, жами 30 та тест саволи;

хорижий тиллар — муассасада таълим олиб бориладиган хорижий тил (инглиз, немис, француз)дан 20 та, она тили ва адабиётдан 10 та, жами 30 та тест саволи;

технология — математикадан 20 та, муассасада таълим олиб бориладиган тил ва адабиётдан 10 та, жами 30 та тест саволи.»

8. 21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Тест синовлари натижаларига кўра ўқувчилар баллар кетма-кетлиги бўйича белгиланган квотага мувофиқ қабул қилинади.»

9. 23-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Президент мактабларига саралаш танловларида қатнашиб, ажратилган қабул квотасидан кейинги энг юқори натижа кўрсатган ўқувчилар орасидан баллар кетма-кетлиги асосида ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабларининг 5-синфига ва мактаб-интернатларининг 7-синфига қўшимча қабул квотаси доирасида ўқувчилар саралаш тест синовлари ўтказилмасдан қабул қилинади.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратсиз ва қаровисиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган оилаларда яшаётган, шунингдек, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган бошқа вояга етмаганлар уларнинг хулқ-атвори, психологик портрети, ёши, иқтидори, қобилияти, қизиқишлари ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда, вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар тавсиясига асосан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг йўлланмаси асосида айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар тавсиясига асосан юборилаётган вояга етмаганлар учун айрим фанлар чуқур ўрганиладиган дав-

лат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига қабул квотасидан ташқари 5 фоизгача қўшимча квоталар ажратади.».

10. 26-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

11. 30-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Ихтисослаштирилган синф ёки ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида бўшаб қолган ўринларга танловда иштирок этиб, тегишли фанлардан юқори натижа кўрсатган ўқувчилар баллар рейтинги бўйича кетма-кетликда қабул қилинади.»;

учинчи хатбошидаги «2» ва «5» рақамлари тегишли равишда «5» ва «7» рақамлари билан алмаштирилсин.

12. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

Келишилди:

*Соғлиқни сақлаш вазирининг
биринчи ўринбосари*

А. ИНОЯТОВ

2020 йил 27 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

556 Одамлар оммавий бўладиган объектлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари, шунингдек, унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 354-4*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон «Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 15 декабрда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Фавқулодда
вазиятлар вазири**

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 4 декабрь,
402-сон

Келишилди:

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Н. ХУСАНОВ

2020 йил 26 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси
фавқулодда вазиятлар вазирининг 2020 йил
4 декабрдаги 402-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Ёнғин муҳофазаси давлат бош инспектори томонидан 1997 йил 1 июлда 29-1-541-сон билан тасдиқланган Одамлар оммавий бўладиган объектлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари (рўйхат рақами 354, 1997 йил 8 июль).

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2013 йил 8 майдаги 55-сон «Одамлар оммавий бўладиган объектлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 354-1, 2013 йил 11 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 24-сон, 318-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2013 йил 5 августдаги 100-сон «Одамлар оммавий бўладиган объектлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 354-2, 2013 йил 2 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 36-сон, 479-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2015 йил 6 апрелдаги 51-сон «Одамлар оммавий бўладиган объектлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 354-3, 2015 йил 16 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 15-сон, 192-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 4 декабрдаги 26/5-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан репо битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 44, 67 ва 98-бандларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1829-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2020 йил 1 декабрдаги 14-мх-сон, 2020 йил 30 ноябрдаги 04-ҚҚ-сон «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2321-1.

3. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2020 йил 4 декабрдаги 402-сон «Одамлар оммавий бўладиган объектлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари, шунингдек, унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 354-4.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ёнғин муҳофазаси давлат бош инспектори томонидан тасдиқланган Одамлар оммавий бўладиган объектлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари (рўйхат рақами 354, 1997 йил 8 июль), шунингдек, унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 354-1, 2013 йил 11 июнь), (рўйхат рақами 354-2, 2013 йил 2 сентябрь), (рўйхат рақами 354-3, 2015 йил 16 апрель).

2020 йил 15 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.